Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 19 (9.211) 1999 йил 17 февраль, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


# КЕЛАЖАКНИ ЖАСОРАТЛИ ОДАМЛАР ҚУРАДИ





16 февраль куни Олий Мажлис биносида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар самараси ва 1999 йилда иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар ҳамда идораларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Президент Ислом Каримов маъруза қилди.

Ўтган йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оила манфаатларини рўёбга чиқариш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ва ҳукумат қарорларининг амалга оширилиши макроиқтисодий ва молиявий соҳадаги ижобий силжишларни мустаҳкамлаш имконини берди, деди жумладан Ислом Каримов. 1998 йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 104,4 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида 4, саноатда 5,8 фоиз ўсишга эришилди. Қурилиш, банк, соғлиқни сақлаш соҳаларида бозор ислоҳотлари жараёнлари чуқурлашмоқда.

Иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми ҳам анча кўпайди. Ўтган йили қарийб 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси ўзлаштирилди. Бу 1997 йилдагига нисбатан 22,6 фоиз кўпдир.

Аммо, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, бир қанча тармоқлар ва корхоналарда, жумладан, қишлоқ ва сув хўжалиги, коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, «Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимида молиявий аҳвол барқарорлигига эришилмади. Зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони жуда секинлик билан камаяяпти. Ўтган йилда аҳоли ва корхоналарнинг бўш маблағларини хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш масаласи тўла ҳал этилмади. Кичик ва ўрта бизнесни, шахсий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни тубдан яхшилаш зарур.

Эндиги вазифа эришилган ютуқларимизни бой бериб қўймаслик. Ислоҳотлар ўсиш, ривожланиш жараёнининг янада изчил ва муқаррар тус олишига, халқимиз турмуши яна ҳам фаровонлашишига хизмат қилиши лозим.

Йиғилишда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ва Бош вазирнинг ўринбосарлари қатнашди.

*(ЎзА).*

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОННИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1998 ЙИЛГИ ЯКУНЛАРИ ВА 1999 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА ҚИЛГАН МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Барчангизга маълум: ўтган йилнинг декабрь ойида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида бўлган кенгашда 1998 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунларини кўриб чиққан эдик. Шу боис, бугун мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг ўтган йилги барча кўрсаткичлари ва суръатлари хусусида батафсил тўхталишга ҳожат йўқ деб ўйлайман.

Айни вақтда, 1999 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш заруратидан келиб чиққан ҳолда, ўтган йилда эришилган энг муҳим натижаларга яна бир карра назар ташлаш, уларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилмоқда. Чунки бу кўрсаткичлар жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган ислоҳотлар дастурига асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга белгиланган мақсадларимиз йўлида тўғаноқ бўлаётган сабабларни ҳам аниқлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йили қўлга киритилган ижобий натижалар ҳақида гапирар эканмиз, мен қуйидаги ютуқларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдим.

***Биринчидан***, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қадам қўйилди, иқтисодиётни изчил ўстириш стратегиясини амалга ошириш учун пухта шарт-шароит, замин вужудга келтирилди.

1998 йили ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 фоиз, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариши 5,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 4 фоизга ортди. Ўтган йил мобайнида, аввалги йиллардаги каби, молия ва банк тизимини, пул айланишини мустаҳкамлаш бўйича қатъий ва изчил сиёсат юргизилди. Бу эса йилни аввал тасдиқланган макроиқтисодий кўрсаткичлар доирасидан чиқмаган ҳолда якунлаш имконини берди. Ойлик ўртача инфляция кўрсаткичи 1,9 фоизни ташкил этди. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ойига 3 фоиздан ошмади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга йўналтирилган кредит маблағлари улуши сезиларли даражада кўпайди. Йил мобайнида узоқ ва ўрта муддатли кредитлар салмоғи 49,2 фоиздан 56 фоизга кўтарилди.

***Иккинчидан***, шу нарсага алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиманки, 1998 йилда мамлакатимизнинг ёқилғи ва дон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида яна бир салмоқли қадам қўйилди. **Биз бугунги кунда ўзимизни барча энергетика ресурслари билан тўла таъминлашга эришдик.**

1998 йилда мамлакатимизда бошоқли дон, айниқса, буғдойдан юқори ҳосил олинди. Яъни, 3,5 миллион тонна ёки 1997 йилдагидан 15,4 фоиз кўп буғдой ҳосили олинди. Бу нафақат республика аҳолисини ун ва нон билан узлуксиз таъминлаш, балки жорий йилда ғалла муаммосини мутлақо янгича ҳал этиш имконини беради. Биз бу ютуқда, аввало, ижтимоий барқарорлигимизнинг гаровини, кафолатини кўрамиз. Энди биз халқимизни дунёда рўй берадиган ҳар қандай инқироз ва фалокатлардан ишончли ҳимоя қила оламиз.

***Учинчи ютуғимиз.*** 1998 йилда ички бозорни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол моллари билан барқарор равишда тўлдириб борилди. Чакана савдо ҳажми 16 фоиз ўсди. Бунга кўп жиҳатдан ўзимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобидан эришилди. Саноат маҳсулоти умумий ҳажми 5,8 фоиз ўсиши билан, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,2 фоиз кўпайди. Макарон, ёрма, консервалар, гўшт, балиқ, дори-дармон каби муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортди ва уларнинг турлари кўпайди.

***Тўртинчидан***, 1998 йилда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодиётни изчил ривожлантириш учун пухта пойдевор яратиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. **1998 йилда 1.3 миллиард долларга яқин чет эл сармоялари ўзлаштирилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 22,6 фоиз кўпдир.**

Иқтисодиётимизга ётқизилган барча сармояларда чет эл инвестициялари ҳажми 20 фоизни ташкил этди. Бир қатор янги ва йирик иншоотлар ишга туширилди. Шўртан газ кимё комплекси, Хўжаобод ер ости газ омбори қурилишлари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш каби нефт-газ тармоғидаги инвестиция лойиҳалари фаоллик билан амалга оширилмоқда.

«ЎзДЭУавто» акционерлик бирлашмаси учун бутловчи маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва телекоммуникация тармоғини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Қўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинатининг ва Андижон биокимё заводидаги спирт ишлаб чиқарувчи қувватларнинг иккинчи навбати, Ангрендаги каолин фабрикасининг биринчи навбатини қуриш, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч аэропортларини тубдан қайта таъмирлаш ишлари кенг кўламда давом этмоқда.

Биз учун янги, ҳаётий аҳамиятга молик транспорт коммуникацияларини қуриш, мавжуд темир йўлларни электрлаштириш, Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар автомобил йўлининг Қамчиқ довонидан ўтувчи қисмини реконструкция қилиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган ТРАСЕКА лойиҳасини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамиятга эгадир.

***Бешинчидан***, 1998 йил давомида юритилган валюта сиёсати бир қатор стратегик вазифаларни ҳал этиш имконини берди: Ташқи савдо оборотида 240 миллион АҚШ доллари ҳажмида ижобий сальдо бўлишига эришилди. Мамлакат олтин-валюта заҳирасининг ўсиши таъминланди. Биржадан ташқари валюта бозорининг роли кенгайди ва мустаҳкамланди.

Барчангизга маълумки, 1998 йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан оила манфаатларини таъминлаш мақсадида махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди.

**(Давоми 2-бетда).**

# ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН БИЗНИ ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРОЛМАЙДИ!

*16 февраль куни соат ўн бирга яқин мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида кучли портлаш содир этилди. Натижада бинога катта зарар етди. Ён-атрофдаги айрим иморатларнинг ойналари синди. Шундай портлашлар шаҳардаги «Нодирабегим» кинотеатри, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ички ишлар вазирлиги бинолари ёнида ҳам юз берди. Портлашлар оқибатида ўн уч киши ҳалок бўлди. Юздан зиёд киши тан жароҳати олди. Бир неча машина ёниб кетди. Жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакилларидир.*

Дастлабки хулоса шуки, бу ёвузлик мамлакатимиз мустақиллигини, эришаётган ютуқларимизни кўролмаётган қабиҳ ниятли кучларнинг иши эканлиги аён. Зеро, бу хунрезлик ортидаги энг асосий мақсадлардан бири — мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳаётига тажовуз қилишдан иборат бўлган. Чунки шу куни соат ўн бирда Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз ҳукуматининг 1998 йил якунлари ва жорий йилдаги иш режаларига бағишланган мажлис бошланиши, унда Президент Ислом Каримов иштирок этиши кўзда тутилган эди. Шукрки, ёвуз ниятли кучлар ўзларининг манфур ниятларига етолмади — Президентимиз, ҳукуматимизнинг барча аъзолари соғ-саломат, зарар кўргани йўқ.

— Бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтаролмайди, — деди Президентимиз Ислом Каримов воқеа содир бўлган жойда журналистларга берган интервьюсида. — Кўпорувчилик қилганларнинг мақсади — халқимизнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат бўлган. Шу орқали Ўзбекистон халқини ўзи танлаган йўлдан тойдириш, чекинтириш. Аммо, яна таъкидлаб айтаман, бизни ҳеч ким қўрқитолмайди, танлаганимиз — Ватанимизнинг мустақиллиги йўлидан қайтаролмайди. Чунки халқимиз бизнинг юритаётган сиёсатимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Биз бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра ана шу ғоя атрофида янада қаттиқроқ жипслашишимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши орадан кўп вақт ўтмай Олий Мажлис биносида бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов пойтахтимизда рўй берган мудҳиш воқеага ўз муносабатини билдирди.

Давлатимиз раҳбари ушбу нохуш ҳодиса жамиятимизда пайдо бўлган ўта хотиржам кайфиятнинг оқибати эканини таъкидлади. Йўлбошчимиз ватандошларимизни мамлакатимиз ёр-атрофида бўлаётган воқеалардан яна бир бор огоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга чақирди. Баъзан шундайки, инсонлар воқеаларга юзаки қараб, охир оқибатда кўнгилсиз ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади ва буни ҳам табиий ҳолдек қабул қилади. Бу эса хатодир. Шундай экан, ҳар бир фуқаро юртимиздаги осойишталик, барқарорликка осонлик билан эришилмаётганлигини ҳис қилиши лозим. Мамлакатимизда ҳукм суриб келаётган тинчлик ва осойишталикни қадрлаш учун унинг нақадар нодир неъмат эканлигига иқрор бўлиш учун айрим қўшни давлатлардаги воқеаларга разм солиш керак. Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида рўй берган портлаш хусусида тўхталиб, уни Президентга суиқасд қилишга уриниш, деб атади.

— Мени халқ сайлаган, — деди Йўлбошчимиз. — Шунинг учун мен, аввало, халқимга суянаман. Чунки халқ — катта куч. Ўз халқимдан куч оламан. Мени, халқимизни бундай пўписалар билан қўрқитиш қийин. Бинобарин, мустақиллик йўли, фаровон ҳаётга эришиш йўли осон кечмаслигини ҳам англамоғимиз лозим.

Президент Ислом Каримов мустақиллигимиз, тинчлик ва осойишталигимизга таҳдид солувчи ҳар қандай кучнинг пайи қирқилишини алоҳида таъкидлади. Бунга қурбимиз етади, шунга яраша куч ва имконимиз бор. Шу билан бирга юз берган воқеадан ҳеч ким ваҳимага тушмаслиги керак. Аксинча, бир-биримизга нисбатан янада меҳр-оқибатли бўлайлик.

— Ушбу портлашларни уюштиришдан яна бир мақсад кўзланган, — деди Ислом Каримов. — Сўнгги вақтда юртимизга хорижий сармоя оқими кўпаймоқда. Хорижлик ҳамкорлар билан улкан ишларни амалга оширмоқдамиз. Бу эса айримларга ёқмаяпти. Кимлардир ана шу сармоядорларни чўчитишни, уларни Ўзбекистонга сармоя ётқизишдан қайтаришни истайди.

Давлатимиз раҳбари айни чоғда юртимизда ёшларга алоҳида эътибор билан қаралаётгани, ижтимоий ҳаётда бу табақанинг мавқеи оширилганини таъкидлади. Ҳозир ҳур фикр, билимли ёшларнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракати бутун мамлакатни қамраган. Улар замонавий усулда ўқимоқда, касб-ҳунар ўрганмоқда, хорижда таҳсил олмоқда. Муҳим вазифамиз ёшларимизнинг қабиҳ ниятли ёвуз кучлар қўлига тушиб қолмаслигини таъминлашдир.

— Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, — деди Ислом Каримов, — уларни ўзимиз тарбия қиламиз, вояга етказамиз. Чунки улар мустақил Ватанимизнинг, эрксевар халқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилади.

Президент жойларда, хусусан, маҳаллаларда, ўқув муассасалари, масжидларда, бошқа жамоат жойларида пойтахтда содир бўлган қонли воқеанинг туб моҳиятини кенг муҳокама қилиш, аҳоли ўртасида мустақилликни мустаҳкамлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, маънавиятни юксалтириш руҳидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини алоҳида уқтирди.

Мажлисда ички ишлар вазири З. Алматов, Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. Иноятовнинг ахбороти тингланди. Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов сўзга чиқди.

Шу куни Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил якунлари ва жорий йил режаларига бағишланган йиғилиши ҳам Олий Мажлис биносида бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, ваҳимага тушишга асос йўқ. Ёвуз кучлар ҳар қанча уринмасин, пойтахтимизнинг, бутун мамлакатимизнинг осойишта ҳаётига раҳна сололмайди. Шаҳар транспорти, барча муассасалар ўз маромида ишлаб турибди. Ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ҳар томонлама кўмак берилмоқда. Жароҳат олганларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари содир этилган жиноятни текшириш учун тезкор-тергов гуруҳлари ташкил этди. Жиноятчилар тегишли жазосини олади.

*(ЎзА).*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИДАН

16 февраль куни Тошкент шаҳрида одамлар қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракати содир этилди. Натижада 13 киши ҳалок бўлди, 128 нафар одам турли даражада тан жароҳати олди, улардан 83 нафари касалхоналарга ётқизилди.

Портлатишлар шаҳарнинг турли нуқталарида, асосан Президент кортежи ўтадиган йўлларда содир этилди. Террорчилик ҳаракатлари портлатгич моддалар билан тўлдирилган турли русумдаги олтита автомашинани портлатиш воситасида амалга оширилди.

Энг катта кучга эга бўлган портлаш соат 10 дан 55 дақиқа ўтганда Мустақиллик майдонида Вазирлар Маҳкамаси биносига кираверишда амалга оширилди. Бу ерда соат 11.00 да вилоятлар, вазирликлар, идоралар, бирлашмалар ва концернлар вакиллари иштирокида ҳукумат мажлиси бўлиши режалаштирилган эди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати террорчилик ҳаракати оқибатида ҳалок бўлган бегуноҳ ватандошларимизнинг оилаларига, яқин қариндошларига, ёру биродарларига чуқур таъзия изҳор этади ҳамда уларнинг бошига тушган мусибатни енгиллаштириш учун барча ишларни қилади.

Мазкур террорчилик ҳаракатларининг сабабларини текшириш учун бир неча тезкор-тергов гуруҳлари ташкил этилди.

* * *

16 февраль куни Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Президент Ислом Каримовга қўнғироқ қилиб, Ўзбекистон пойтахтида рўй берган фожиали воқеалар муносабати билан ҳамдардлик изҳор этди. Ушбу террорчилик хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларни қидириб топиш ва қўлга олиш юзасидан зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

Борис Ельцин бегуноҳ қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этди.

Президент Ислом Каримовга, шунингдек, Грузия Президенти Эдуард Шеварнадзе, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ҳам қўнғироқ қилиб, ўз ҳамдардликларини билдирдилар.

# ОГОҲ, ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!

*Пойтахтимиз марказининг бир неча жойида рўй берган портлашлар тошкентликлар қалбини ларзага келтирди. Аввало мамлакатимиз раҳбарига, қолаверса — умуман жонажон Ўзбекистонимизнинг тинч тараққиётига қарши қаратилган кўпорувчилик ҳаракати халқимиз қалбида ғазаб-нафрат уйғотди.*

**● Ўткир ИСЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси:**

— Кечаги воқеа қисқа давр ичида салмоқли натижаларни қўлга киритган, Истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз самараларини кўролмайдиган қора кучлар ҳақиқатан ҳам борлигини намоён этиб, кўзимизни очди. Бу ёвуз кўпорувчилик иши энг аввало муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовга қарши қаратилгани бежиз эмас. Минг шукрки, бахтимизга у қонхўрларнинг қора нияти барбод бўлди.

Бўлиб ўтган фожиа менга хорижда яшаётган, жумладан Саудия Арабистони, АҚШ ва бошқа мамлакатларда истиқомат қилаётган ватандошларимизни эслатди.Уларнинг халқимизга энг биринчи гапи, насиҳати «Юртбошингизни эҳтиёт қилинг — мустақиллигингизни эҳтиёт қилган бўласиз!» деган гапларидир. Бу гапларни тушунардик-ку, лекин энди чуқур идрок эта бошладик. Чунки мамлакат энг мураккаб даврларни бошидан кечираётганда, албатта юрт бошида турган раҳбарнинг роли беқиёсдир.

Узоққа бормай, мамлакатимиз тинч-осойишталиги, ижтимоий барқарорлигимиз, юздан ортиқ миллат ва элатлар вакилларининг аҳил ва тотув яшаётганида, атрофимизни даҳшатли фожиалар ўраб туриб, биз йил сайин катта-катта натижаларга эришиб бораётганимизда.

Президент Ислом Каримов хизматларини бутун жаҳон эътироф этиб турибди. Шуларни ўйларканман, ўша ватандошларимизнинг «Истиқлолингизни қадрланг, уни сизга олиб берган Юртбошингизнинг қадрига етинг!» деган ўгитлари қулоқларим остида янгидан жаранглайди.

Тарихчи-археолог олим сифатида мен учун, барча ҳамкасбларим учун ўзбек халқининг азалий қадриятлари собитқадамлик билан тикланаётгани, айниқса, Қизил империя мафкураси пардаси остида йўқ бўлиб кетаётган шонли тарихимизнинг тикланиши ғоят азиз ва қадрлидир. Шахсан Юртбошимизнинг қатъий ғамхўрликлари туфайли ўзбек давлатчилигининг қарийб уч минг йиллик тарихи тикланмоқда. Буюк бобокалонларимизнинг бой маънавий мероси миллатимиз мулкига айланиб, жаҳон халқлари кўз ўнгида юксак маданият мамлакати сифатида обрў-эътибор топаяпмиз.

Буларнинг ҳаммаси ҳеч шубҳасиз Президентимиз номи билан чамбарчас боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, тотувлик самараси, мамлакатимизда ҳамма соҳада туб ислоҳотлар аввало халқ манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаро фаровонлиги, эрки ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш мақсадларига амал қилинаётганлиги мевасидир. Буларни бутун халқимиз, шу жумладан, биз зиёлилар яхши тушунамиз ва қадрлаймиз.

Пойтахтимизда содир бўлган фожиали кўпорувчилик Истиқлол нашидасини суриб, ўз тақдирини ўзи яратаётган ижодкор халқимизни асло чўчитолмайди. Шуни комил ишонч билан айта оламанки, ёш-қари, ишчи-ю деҳқонлар, зиёлилар — аҳолининг барча қатламлари вакиллари аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ Президентимиз атрофига жипслашишимиз керак. Жуда аниқ кўриниб турган нурли чўққилар — ёрқин келажагимиз сари шахдам одимларимизни тўхтатувчи куч йўқ. Олға ҳаракатимизда эл-юртга садоқат, олий мақсадларимизнинг рўёбга чиқишига ишонч ҳамда истиқболимизни кўролмайдиган ғанимларимизга нисбатан ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиш бизга ҳамроҳ бўлади.

**● Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети проректори:**

— Шаҳримизнинг энг кўзга кўринарли муҳташам биноларида кўпорувчилик ишларининг содир этилганлиги албатта, одамни қайғуга солади. Бу ишни амалга оширишда бошчилик қилганлар муҳташам биноларни яксон қилишни эмас, балки шу орқали халқимиз кўнглига таҳдид солишни асосий мақсад қилиб қўйган. Марказий Осиёдаги энг тинч, фаровон мамлакат ҳисобланган юртимизда нима қилиб бўлсада, қандай йўллар билан бўлса ҳам халқимиз орасида низо, ўзаро нифоқ уйғотишга ҳаракат қилаётганлар мана, аҳолини талвасага солиб қўйдик дейишаётган бўлса, қаттиқ адашади. Аксинча, 16 февралда юз берган нохуш воқеа барчамизни аҳиллик ва ҳушёрликка чорлайди.

**● Салима МУРОДОВА, савдо ходими:**

— Мен асли фарғоналикман. Тошкентга техника университетида таълим олаётган ўғлимни кўргани келган эдим. Куни кеча ўғлим билан биргаликда Мустақиллик майдонини томоша қилиб бугунги кунимизга шукроналар айтган, пойтахт аҳолисини нақадар ширинсухан эканлигини кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилган эди. Кундан-кунга чирой очиб бораётган Тошкент шаҳрида, умуман, Ўзбекистонимизда осойишталик ҳукм сураётганлиги боисидан ўғлимни пойтахтга ўқишга жўнатганлигим ҳақида ўғлимга тўлқинланиб гапирган эдим. Кўпорувчилик билан шуғулланувчи нопок кимсалар ўзларининг ҳайвоний хатти-ҳаракатлари билан мен каби оналар кўнглига ғулу солмоқчи бўладилар. Аммо биламанки, уларнинг барча уринишлари зое кетади.

**● Алишер БЕРДИЕВ, талаба:**

— Шаҳримизнинг бир неча жойларида рўй берган портлашлар Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек бир куннинг ичида амалга ошиб қолмайди. Бунга анча тайёргарлик кўрилган бўлиши аниқ. Хўш, кўпорувчилар ўзларининг пасткашлик билан амалга оширган бу ишлари орқали нимага эришдилар? Фақатгина бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига, бир неча кишининг бевақт оламдан ўтишига сабабчи бўлдилар. Наҳотки улар бекордан-бекорга қурбон бўлган беайб одамларнинг арвоҳи, уларнинг руҳи барибир тинч қўймаслигини билмасалар?! Ҳаёт бир маромда давом этмоқда. Биз ҳар биримиз, айниқса ёшлар давлатимиз тараққиётига тўсқинлик қилувчи турли экстремистик кучлар, қора ниятли одамлар таъсирига берилмай, янада кучли билим эгаллашга интилмоғимиз шарт. Ана шундагина нурли келажагимиз истиқболини аниқ кўра оламиз.

# БОЛАЛАРГА СОВҒАЛАР





***Саховат ва меҳр-мурувват — халқимизга хос бўлган ажойиб фазилатлардандир. Бинобарин мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин Ўзбекистонда ўтказилаётган давлат сиёсатининг ўзига хослиги ижтимоий йўналишидир. Дарҳақиқат республикамизда ўтиш даврида аҳолининг кам таъминланган табақаларини ҳимоя қилиш асосий устувор йўналишлардан бирига айлантирилди. Бу нарсанинг амалий ифодасини ҳар қадамда кўриб турибмиз.***

Йўлбошчимизнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган пурҳикмат сўзларида олам-олам маъно бор! Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йили Амир Темур ордени билан бирга олган пул мукофотини, шунингдек яқинда нашр этилган китобига берадиган қалам ҳақини Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига қарашли 100-махсус мактаб-интернатига топширгани юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, меҳр-мурувват ва саховатнинг яна бир ажойиб амалий намунасига айланди.

Шуни айтиш керакки, ушбу илм даргоҳида асосан ногирон болалар таълим олишади. Мустақиллик туфайли бу мактаб-интернатда таълим олувчи болаларга ҳар томонлама шароитлар яратилди. Чунки бу ерда билим олиш ўзига хос масъулиятни, иродани тақозо этади. Шунга қарамай билим даргоҳида замонавий компьютер ёнида ишлаётган болаларни кўриб, уларга сидқидилдан билим бераётган мураббийлар меҳнатини кўриб уларга албатта тасаннолар айтасиз. Полиомиелит ва фалаж касалликлар каби оғир хасталиклар оқибатида саломатлиги ва жисмоний қобилиятига заҳа етган болаларнинг тиришқоқ, илм ўрганишга чанқоқлигини кўриб инсоннинг ақл-заковати, иқтидори нечоғли юксак эканлигини бу ерда янада теран ҳис қиласиз.

Ўтган душанба куни таълим даргоҳининг асосий биноси одамлар билан гавжум бўлди. Президентимизнинг болаларга аталган совғалари илм даргоҳининг мажлислар залида бўлиб ўтган тадбирда тантанали вазиятда топширилди.

Мамлакатимиз Йўлбошчисининг совғаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Темур Алимов топширди. 1-синф ўқувчилари Президент совғаларини бағриларига босиб «Бизни ёдларидан чиқармаган Президентимизга катта раҳмат! Биз у кишининг фарзандларимиз, келажакда севикли Ватанимизга хизмат қиладиган муносиб фарзандлар бўламиз!» деган сўзларни чин дилдан изҳор этдилар. Илм даргоҳида тарбияланаётганлар номидан сўзга чиққан 9-синф ўқувчиси М. Мирзажонова Ўзбекистон болалари тўғрисида оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга самимий миннатдорчилик билдирди.

Ушбу илм даргоҳида бўлиб ўтган бу ҳаяжонли тадбир республикамиз раҳбарияти ўтказаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири — мамлакатимиз ёш фуқаролари ҳар томонлама камол топиши учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат эканлигини яна бир бор кўрсатди. Ёш авлод тўғрисидаги ғамхўрлик, жумладан тақдир тақозоси билан кўнгиллари ўксик бўлиб қолган болаларга эътибор, кўп болали ва камхарж оилаларни, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз раҳбари ўтказаётган одилона сиёсатнинг устувор йўналишлари бўлиб қолди. Буни ушбу даргоҳда бўлиб ўтган Президент совғалари тақдимоти маросимининг ҳар бир иштирокчиси — мактаб-интернат ўқувчилари-ю мураббийлари, ушбу маросимга келган Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси вакиллари, ҳозиргина олган бўйи баравар қўғирчоғини бағрига маҳкам босган қизалоқнинг севинчида, спорт либосларини бўйига ўлчаб севинаётган болалар кўзида, турли ширинликлару бежирим кўйлакларини кўз-кўз қилаётганларнинг севинч тўла юзларида яққол ҳис қилиш мумкин эди. Уларнинг шу кунга атаб намойиш қилган концерт дастурлари ҳам маросим қатнашчиларининг қалбига бир олам завқ бағишлади.

Президентимизнинг болаларга совғаларини топширишга бағишланган ушбу тадбирда Президент Девони Ахборот марказининг раҳбари Саъдулла Ҳакимов, Президент Девонининг ишлар бошқарувчиси Зелимхон Ҳайдаров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров иштирок этди.

*Хондамир СОЛИҲОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Президентнинг болаларга совғаларини 100-махсус мактаб-интернатга топшириш маросимларидан лавҳалар.*



«Ташаббус—98»

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор билан қаралмоқда. Айниқса, республикамиздаги тадбиркор ва ҳунармандларнинг фаолиятини ривожлантиришда анъанага айланиб бораётган «Ташаббус» танловининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Танлов «Энг яхши тадбиркор» ҳамда «Энг яхши ҳунарманд» турлари бўйича ўтказилиб, унда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, уни жаҳонга танитишга ўз ҳиссасини қўшаётган кичик, ўрта ва хусусий корхоналар эгалари ҳамда халқ амалий санъатини юксак даражага кўтараётган қўли гул ҳунармандлар ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.***

***Тадбиркорлик ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, Тошкент шаҳрининг энг яхши тадбиркорлари ва ҳунармандларини аниқлаш, уларнинг касб маҳоратлари ва тажрибасини оширишга ҳамкорлик қилиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Республикамиз тадбиркорлар ва ҳунармандларининг «Ташаббус-98» танлови миқёсида Тошкент шаҳар ҳокимининг соврини учун танловнинг шаҳар босқичини ўтказиш тўғрисидаги Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановнинг 1999 йил январь ойида қабул қилган қарорига мувофиқ пойтахтимиз туманларида ушбу танлов кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманида бўлиб ўтган танлов бунинг ёрқин далилидир.***



Туман танлови ҳақиқий байрамона руҳда бошланди, халқимизнинг азалий одатларига кўра карнай-сурнай наволари тадбиркор ва ҳунармандларни, томошабинларни чорлаб янгради. «Собир Раҳимов» кинотеатри фойесига қўйилган тадбиркор ва ҳунармандларнинг маҳсулотларини кўриб дилингиз яйрайди. Айниқса, улар орасида ўз мебелларини қўшни Қозоғистон давлатига экспорт қилаётган «Диенвиди» Ўзбекистон — Латвия қўшма корхонаси, девор гулқоғозларини хорижга экспорт қилишни мўлжаллаётган «Империал» қўшма корхонаси ўзи ясаган сопол маҳсулотларини чет эл музейларига ҳам қўйган кулол Наталья Осипова, пойтахтимизда биринчи хусусий шифохона очиб, шаҳримиз, ҳатто қўшни давлатлар аҳолисига ҳам муваффақият билан хизмат кўрсатиб келаётган хусусий тадбиркор, «Карима» фирмасининг раҳбари Хайрулла Мўминовларнинг борлиги кишини фахрлантиради.

— Биз танловда иштирок этиши учун туманимизнинг 5 та тадбиркор ва 5 нафар ҳунармандини муносиб деб топдик, - дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Шуҳрат Тўхтаев. — Туманимизда фаолият кўрсатаётган 2500 дан ортиқ ўрта, кичик ҳамда хусусий тадбиркорларни рўйхатга олганмиз. Палатамизда уларга аудиторлик, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар кўрсатилади. Уларга кредитлар олишда, хом ашё топишда ва энг асосийси ҳуқуқларни ҳимоя қилишда яқиндан ёрдам бериб келмоқдамиз. Бугунги ўтаётган танловимизнинг ўтган йилгига нисбатан уюшқоқлик билан ўтказилаётгани ҳам бунинг яққол исботидир.

Танлов қатнашчилари барча шартларни адо этишгач, ниҳоят барча учун ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Ҳакамлар ҳайъати ғолибларни эълон қилганда эса зал уларни гулдурос қарсаклар билан олқишлади. «Энг яхши тадбиркор» номини олган «Империал» қўшма корхонаси раҳбари Мурод Мусашайхов ҳамда «Энг яхши ҳунарманд» номига сазовор бўлган бешикчи Алишер Комиловлар ғолиб деб топилди. Ғолибларга ва барча иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар топширилиб, уларнинг республикамиз иқтисодиёти салоҳиятини ривожлантиришдаги кейинги фаолиятларига муваффақиятлар тиланди. Биз фурсатдан фойдаланиб, танлов ташкилотчи ҳамда иштирокчилари, томошабинлар билан суҳбатлашдик:

● **Абдураззоқ МЎМИНОВ, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари:** — Халқимизда «Иш билганга минг танга» деган доно нақл бор. Бугунги ҳар бир тадбиркоримиз, ҳунармандимиз ўзига ишонган, режалари аниқланган. Айниқса, кўзлаган мақсад йўлидаги интилишлари билан ажралиб туриши кишини қувонтиради. Албатта, танловнинг ўтказилиши жуда зарур деб ўйлайман. Чунки бу ерга келган ҳар бир тадбиркор ўз меҳнатининг баҳосини яна бир бор билади ва шундан хулоса чиқариб интилади, изланади.

● **Мурод МУСАШАЙХОВ, энг яхши тадбиркор:** — Меҳнатимиз муносиб баҳоланганидан ниҳоятда хурсандман. Корхонамиз импорт ўрнини боса оладиган рақобатбардош гулқоғозлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Асосий мақсадимиз аввало мамлакатимизни зарур маҳсулот билан таъминлаш, четга чиқиб кетаётган валютани ўзимизда сақлаб қолиш, шу билан бирга жаҳон бозорига ҳам чиқиб, сифатли маҳсулотимиз орқали чет элликлар билан рақобатлаша олишдир. Бунинг учун замонавий технология ҳамда ишбилармон, тажрибали кадрларга эгамиз.

● **Алишер КОМИЛОВ, энг яхши ҳунарманд:** — Юртимиздаги қайси ўзбек хонадонига кирманг, биз ясаган бешикларда ором олаётган чақалоқларни кўрасиз. Мақсадимиз мана шу асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, яхши урф-одатларимизни сақлаб қолиш ва авлодларга етказиш. Менинг ота-боболарим ҳам шу ҳунарни ардоқлашган. Мен тўртинчи авлод вакилиман. Ўзим ёш бўлишимга қарамай 12 та шогирд тайёрладим. Мана шундай барчага ибрат бўлувчи танловларни тез-тез ўтказиш керак деб ўйлайман.

● **Гулнора ҲАКИМОВА, Сардор БЕРДИЕВ, лицей ўқувчилари:** — Тўғриси, шу залда ўтириб, тадбиркор ва ҳунармандларимизга ҳавасимиз келди. Айниқса, уларнинг интилувчанлиги, қатъиятлари, юртимиз равнақи йўлидаги ҳаракатлари биз ёшларга ибрат бўлмоғи керак.

Шунингдек, Собир Раҳимов туман маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг дилрабо куй ва қўшиқлари танловга файз бахш этганлигини ҳам айтиш лозим. Хуллас, ҳар ким ўз баҳосини олди, лекин бу баҳо улар учун чегара бўлмаслиги керак. Чунки мустақил юртимизга шижоатли ва ишбилармон тадбиркорлар ҳамиша зарур.



* * *

Бундай танловлар пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур, Миробод, Акмал Икромов, Ҳамза, Сергели, Бектемир, Чилонзор туманларида ҳам бўлиб ўтди. Ғолиблар танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олишди.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов туманида ўтказилган «Ташаббус-98» танловидан лавҳа.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида**

# НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА



***Анъанавий Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.***

Қарорга мувофиқ Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар ташкилий қўмитаси, ишчи гуруҳи таркиблари ҳамда шаҳар миқёсида ўтказиладиган байрам тадбирлари режаси тасдиқланди.

Туман ҳокимликлари, Маданият ишлари бош бошқармаси, шаҳар маданий тадбирлар ўтказиш дирекцияси, Ички ишлар бош бошқармаси, Ободонлаштириш бош бошқармаси, «Тошшаҳарнури» корхонаси, «Шарқ шабадаси» очиқ турдаги акциядорлик жамияти зиммасига шаҳарда ҳамда туманларда ўтадиган тадбирлар учун сарф-харажатлар сметасини тақдим этиш топширилди.

Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментига маҳаллаларда ўтадиган маросимлар учун ажратиладиган озиқ-овқат рўйхатларини аниқлаш, Наврўз байрами қатнашчилари учун сумалак тайёрланишини таъминлаш, шаҳар ҳокимлигига ушбу мақсадлар учун тегишли маблағ ажратиш юклатилди.

Туман ҳокимликлари, Бош бошқармалар, барча корхона ва ташкилотлар, жамоат ташкилотлари зиммасига кенг қамровли байрам тадбирларини ўтказиш юклатилди. Байрам муносабати билан «Маҳалла», «Наврўз», «Соғлом авлод учун», «Болалар»ва бошқа хайрия жамғармалари Тошкент шаҳар бўлимларининг ўзларининг ҳамда ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан ёлғиз қариялар, ногиронлар, етимлар, бева-бечоралар, боқувчиси бўлмаган оилаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш ҳақидаги таклифлари маъқулланди.

Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти зиммасига байрам тадбирлари ўтадиган майдонлар, хиёбонлар, туман марказларини халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат ва мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи ярмаркалар, савдо, умумий овқатланиш нуқталарини ташкил этиш юклатилди.

Ободонлаштириш бош бошқармасига Наврўз байрами олдидан шаҳарда санитария тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилишини таъминлаш, бу ойликка барча жамоалар ва аҳолини кенг жалб этиш юклатилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига байрам кунлари жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини кўриш топширилди.

Молия бош бошқармасига байрам тадбирларини ўтказиш учун тақдим этилган сарф-харажатлар сметасига биноан тегишли маблағларни республика ва шаҳар бюджети ҳисобидан тенг улушда қопланишини назарда тутиш топширилди.

Байрам тадбирларини «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Тошкент» студиясига кенг ёритиш вазифаси юклатилди.

# ИШЧИ ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

**КЕЧА**

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида ногиронларни реабилитация қилиш юзасидан Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирувчи Тошкент шаҳар ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ишчи гуруҳининг раиси Эркин Эрназаров кириш сўзи билан очди.

Ишчи гуруҳи мажлисида Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасининг бошлиғи Ф. Нажмитдинов ўтган йилда қилинган ишлар ва жорий йилда бажарилиши режалаштирилган чора-тадбирлар ҳақида, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Содиқова, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Мўминов, Тошкент шаҳар «Меҳрибонлик» ногиронлар уюшмасининг раиси Ҳ. Жалилов, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Йўлдошев ишчи гуруҳи мажлисига киритилган масалалар хусусида ахборотлар бердилар.

# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Кеча** ЕХҲТ Парламент ассамблеяси Президенти Хелле Дайн хонимнинг республикамизга ташрифи бошланди. Юқори мартабали меҳмон ташриф дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, Ташқи ишлар вазирлигида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори билан учрашувлар ўтказди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясининг санъатшунослик институтида ўтказилган йиғилиш мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига қайтарган жавобларига бағишланди.

● Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавобларида маънавиятни юксалтириш борасида ўртага қўйилган масалалар ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлиб ўтган республика Уламолар Кенгаши йиғилишида атрофлича фикр юритилди.

● Тошкент вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгаш грипп хасталиги тарқалишининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

● Қашқадарё вилоятининг Косон туманида юқумли хасталиклар янги шифохонаси фойдаланишга топширилди.

● Андижон вилоятининг Бўз туманидаги барча хўжаликларда чигитни экишга баҳорги мавсумига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

● Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги Мунис Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган жамоа хўжалиги бошқаруви «Дўстлик» қишлоғидаги Чолиш қишлоғи мактаби учун компьютерлар ва кам таъминланган оилалар учун дарсликлар ҳамда ўқув жиҳозлари харид қилишга 1,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратди.

## ЖАҲОНДА

● **Кеча** Туркия бош штаби ва разведка хизмати ўтказган операция натижасида Кения пойтахти Найробидаги Греция элчихонаси ҳудудида Курд ишчи партиясининг етакчиси Абдулла Ожалон ҳибсга олинди, шу куннинг ўзидаёқ у Туркияга олиб келинди. Унинг қаерда сақланаётганлиги сир тутилмоқда. Туркияда «1-террорчи» деб ном олган Абдулла Ожалоннинг ҳибсга олинганига жавобан Европа бўйлаб курдларнинг норозилик ҳаракатлари бошланиб кетди. Қатор пойтахтларда ва йирик шаҳарларда курдлар Греция элчихоналари ва консулликларини эгаллаб, ўзларининг устидан бензин қуйиб, ўзларини ёқиб юборишлари таҳдидини айтиб, Абдулла Ожалонни озод қилишни талаб этмоқда. Франция, Германия, Бельгия, Англия полицияси юз берган вазиятни барқарорлаштиришга эришди.

● Ўтган куни Россиянинг «Протон» ракетасида АҚШнинг «Телстар—6» алоқа сунъий йўлдоши фазога учирилди. Ушбу парвоз шу йилда «Протон» ракеталарига мўлжалланган 11 тижорат парвозининг биринчиси бўлди.

● Ингушетия Президенти Руслан Аушев 28 февралга мўлжалланган референдум хусусида федерал марказ ва Ингушетия ўртасидаги бундан буёнги муносабатлар хусусида фикр айирбошлаш учун федерал маъмурларнинг иккинчи босқичини ўтказиш учун Москвада музокаралар ўтказди.

● **Кеча** Киевда саноатчилар ва тадбиркорларнинг еттинчи фавқулодда анжумани ўз ишини бошлади.

● Жорий йилнинг 10 февраль кунидан бошлаб Литва ҳукуматининг божхона режимини кучайтириш ҳақидаги фармойиши кучга кирди. Бу қарор асосан ушбу мамлакатга ташриф буюраётган хорижий шахсларга тегишлидир.

● Жаҳон банки Қозоғистонга 100 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Ушбу маблағ Қозоғистон автомобиль йўлларини таъмирлашга ишлатилиши мўлжалланмоқда.

● Озарбайжон Олий суди Озарбайжоннинг собиқ 40 ёшли бош вазирини 1994 йилги давлат тўнтаришидаги ва 1995 йилдаги Президент Ҳайдар Алиев ҳаётига суиқасд қилишдаги айблов билан мол-мулкларини мусодара қилиш йўли билан олий жазо — умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди.

● **Кеча** Литвада Литва давлатчилигининг куни тантанали равишда нишонланди.

● Германия қуролли кучлари бўлинмалари НАТОнинг Косово ўлкасида амалга оширилиши эҳтимол тутилаётган ҳарбий операцияларига тайёргарлик кўрмоқда. Бу ҳақда Германия вазири Рудольф Шарпинг «Тагесшпигел» газетасига берган мусоҳабасида маълум қилди.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон икки кунлик ташриф билан Мексикада бўлди. Бу унинг Моника Левински билан боғлиқ ишқий можаросидан кейин уюштирган хорижга биринчи ташрифидир. Билл Клинтонга унинг рафиқаси Хиллари хоним ҳамроҳлик қилди.

● Саудиялик мултимиллионер Усама ибн Лоден Афғонистон ҳудудини тарк этгани йўқ. У мамлакатнинг Гулбиддин Ҳикматёр тарафдорлари томонидан назорат қилинаётган шимолий туманларида яширинган. Террорчининг ғойиб бўлганини эълон қилган «Толибон» ҳаракати раҳбарлари унинг қаердалигини яхши билади.

● Австрия Федерал канцлери маҳкамаси Венгрия ҳукуматининг НАТОнинг Италияда бўладиган машқларида қатнашиш учун ўз танкларини Австрия ҳудуди орқали олиб ўтиш тўғрисидаги сўровини рад этди.

● Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоаси билан куч синашган Ўзбекистоннинг «Пахтакор» футболчилари Осиё кубок эгалари кубоги учун курашнинг чорак финал учрашувида имкониятни 0:3 ҳисобида бой бердилар. Энди «Пахтакор» курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиш учун 21 февраль куни ўтказиладиган такрорий учрашувида рақибларининг дарвозасига камида тўртта жавобсиз тўп киритишлари керак.

Назорат

# ИЖРО ИНТИЗОМИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Акмал Икромов тумани назорат инспекцияси 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Фармойишлари ва уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган Тошкент шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорлари ҳамда юқори назорат инспекциясининг топшириқларига, Республика Президентининг 1996 йил 20 августдаги Фармойиши билан тасдиқланган «Низом»га асосан хўжалик ва давлат идоралари фаолиятини яхшилаш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурини бажариш, давлат ва ижрочилик интизомига риоя қилишдаги камчилик ва хатоларни бартараф этиш бўйича 14 та масалани жойларда ўрганиб чиқди.***

Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг бажарилиши бўйича 11 та, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича шаҳар, туман ҳокимликларининг топшириқларига асосан 3 та масала ўрганилди.

Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, акциялар пакетларини жойлаштиришни такомиллаштириш, ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акционерлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ролини оширишга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Республика ҳукумати қарорларининг бажарилиши автокорхоналарда; Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиши туман халқ таълими бўлими ва унинг бўлинмаларида; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июндаги «Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Фармонларнинг бажарилиши туманда жойлашган айрим корхоналарда; «Иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида»ги 1998 йил 8 июнда чиққан Фармоннинг бажарилиши туман ижтимоий-таъминот бўлимида; «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги» Фармоннинг бажарилиши эса икки босқичда тумандаги корхона ва ташкилотларда ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижалари бўйича хатоликларга йўл қўйганликлари учун 200 дан ортиқ шахсга, шу жумладан 60 та мансабдор шахсга нисбатан тегишли чоралар кўрилди, 15 та шахс ўз вазифасидан бўшатилди. Туман назорат инспекцияси ҳукумат ҳужжатлари билан ишлаш, назоратга олиш ва бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий масалаларга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Директив ҳужжатлар билан таништириш ва тушунтириш ишлари бўйича туман ҳокими ўринбосарлари мажмуаларида 6 маротаба семинар-йиғилишлар ўтказилди.

Бундан ташқари ҳокимлик йиғилишларида Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ишлаш ҳамда уларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Туман назорат инспекцияси 1998 йил иш йўналишига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 августдаги Фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони назорат инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари тўғрисида»ги «Низом»нинг 6/4-бандидаги «Фуқаролардан тушган хат ва аризаларни ўрганиш», туман назорат инспекциясининг 1998 йилда қабул қилган қарорларининг бажарилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ижроси юзасидан қабул қилинган ҳукумат ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, ҳокимликнинг бўлим ва бўлинмаларида ахборотларни олиш тартибини такомиллаштириш, меъёрий ҳужжатларнинг назоратини ташкил этиш мақсадида қабул қилинган Фармойишининг бажарилишини ўрганишни бошлади.

Туманда юқорида кўрсатилган ҳукумат ҳужжатларини бажариш ва халққа етказиш мақсадида семинар-йиғилишлар ўтказиш жадвали тузилди ва шу кунга қадар 6 та семинар-йиғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу масалага янада чуқурроқ, таъсирчан ёндашиш кераклигини тасдиқлади. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилиниб, унга мувофиқ туман ҳокимининг қарори қабул қилинди ва назоратга олинди.

*Олим СОДИҚХЎЖАЕВ,*
*Акмал Икромов тумани ҳокими ўринбосари — назорат инспекцияси раҳбари.*

Халқимиз миллий ўйинлари

## КИМ ЧАҚҚОН

***Ўйин майдончада ўтказилади. Майдончага чизилган доира ўйинчиларнинг сонига (4—5 нафар) боғлиқ бўлади.***

Бошловчи майдон ўртасида туради, ўйинчилар эса ўз доираси чизиғи ташқарисига ўтирадилар. Бошловчи ва ўйинчилар олдиндан сигналлар турига қараб ким-кимнинг ўрнини эгаллашини келишиб оладилар. Фақат келишилган сигналлар тури қуйидагича бўлади. Чапак чалиш, ҳуштак чалиш, бошловчиларнинг турли ҳаракат қилиши билан белгиланади. Бошловчи сигнал берганда ўйин бошланиши билан ўйинчилар ўзаро келишилган сигналларга мувофиқ жойларини алмаштирадилар. Бошловчи шу пайтда биронта ўйинчининг жойини эгаллаб олишга интилади. Жойсиз қолган ўйинчи бошловчи бўлиб қолади ва ўйин давом эттирилади. Бирон марта ҳам жойсиз қолмаган ўқувчи ёки талаба эпчил, чаққон ва ғолиб деб эълон қилинади.

Бу ўйин талабалардан эпчиллик, чаққонлик сифатларини тарбиялайди. Спорт машғулотларида бу ўйин баскетбол, гандбол (қўл тўпи) футболчиларнинг маҳоратларини оширишда яқиндан ёрдам беради.

## КОПТОК ЎЙИНИ

***Бу ўйин қиз болалар орасида кенг тарқалган.***

Ўйинчи коптокни ерга ва бир айланиб, копток ўзининг бўйи билан тенглашганда гавда мувозанатини сақлаб бориши шарт, яъни у ўйинчи ҳар бир айланиб коптокни ерга урганда копток ўйинчининг бўйи билан баравар бўлиши шарт. Шу тарзда айланиб коптокни тўхтатмасдан бир меъёрда энг кўп ерга урган қиз бола шу беллашувни (мусобақани) ютиб чиққан ҳисобланади.

Ушбу миллий ўйинимиз ҳозирги замон бадиий гимнастикасининг коптокбилан машқа бажариш белгиси ҳисобланади ҳамда бу ўйин ёш қизларда вестибуляр аппарат (бош энсасини) мустаҳкамлашга ёрдам беради.

## ДУГУШ ЎЙИНИ

***Ўзбек халқининг жанговар мусобақаларидан бири бўлган бу ўйин ўтмишда шундай номланган.***

Мусобақа кўпгина байрам ва сайиллар, тўйлар тугаши арафасида уюштирилган. Унда асосан ўн саккиз, йигирма беш ёшлар арафасидаги йигитлар иштирок этишган. Қишлоқ йигитларининг жанговарлиги, довюраклиги, чидамлиги ва чаққонлигини синаб кўриш мақсадида оқсоқоллар икки қишлоқ, маҳалла ёки кўча болаларини бир жойга тўпланиб «Қишлоқ билан қишлоқ дугиш» деб эълон қилади. Шундан кейин икки тараф йигитлари бир-бирига қарши «жанг» бошлайдилар. Бу «жанг» мусобақалари қуйидаги спорт турларидан иборат бўлган: кураш, қиличбозлик, улоқ ва ҳар хил копток ўйинларидан иборат бўлиб ҳозирги замон олимпиада ўйинларини эслатади.

Мусобақанинг ўз қоидаси бор. Унга амал қилиш барча иштирокчилар учун мажбурийдир. Ўйиннинг асосий шарти шундан иборатки, жангда рақибларнинг нозик жойларига уриш қатъиян тақиқланади.

Икки жамоа (қишлоқ) ўртасидаги дарё, кўча ёки тепалик томонлар учун чегара ҳисобланади. Ўйиннинг ўз ҳакамлари бўлади, улар ҳар иккала жамоа вакилларининг келишуви натижасида сайланиб, мусобақаларни олиб борадилар. Ўйинда «жанг»чилар қўлга қурол олиш ёки бошқа воситалардан фойдаланишлари мумкин эмас. Мусобақаларда ғирромлик қилган ва қоидани бузган иштирокчиларни ҳакамлар ўйиндан четлаштирадилар. Ўйинлар шароит ва имкониятга кўра 3—4 соатгача давом этади. Ҳар бир қишлоқнинг энг кучли баҳодири ўз йигитларига сардорлик қилади. Дугаш ўйини қатнашувчиларнинг жанговар шарқ якка кураш сирларининг барча усулларини ниҳоят даражада яхши ўзлаштирганлиги ҳозирги кунда ҳам эл оғзидан тушмай келади. Ўзбек халқи орасида бу мусобақанинг кўп ҳудудларида бир қанча турлари учрайди.

*Ашур НОРМУРОДОВ,*
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий.*

«01»

## ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ

***Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бепарволик билан қараш оқибати бизнинг нималарга дучор қилишлигини тушуниб етмаслигимиз ёнғин чиқишига асосий сабаб бўлмоқда. Ана шундай сабаблар натижасида Бектемир туманида ўтган йили 45 маротаба ёнғин чиқиш ҳоллари юз берди.***

Шунингдек, содир бўлган ёнғинларнинг ҳар тўртинчиси эҳтиётсизликдан ва ҳар бир бешинчиси болаларнинг ўт билан ўйнаши оқибатида содир бўлмоқда. Шу боисдан ҳам туманимиз аҳолиси ўртасида мунтазам тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз. Жумладан, жабҳа радио тармоқлари орқали 64 маротаба эшиттиришлар уюштирдик, «Даракчи» дастури орқали кўрсатувлар тайёрладик, «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида ҳам кенг миқёсида чиқишлар қилиб турибмиз. Шу билан бирга жойларда тўрт минг марта 15500 ишчи иштирокида суҳбат, 107 марта маҳаллаларда учрашувлар ўтказдик. Албатта, бу учрашувлар яхши натижа бермоқда.

Аммо текширишлар шуни кўрсатдики, айрим хонадонларда газдан, носоз электр мосламаларидан нотўғри фойдаланаётганлар ҳам кўп экан.

Ёнғин хавфсизлигини бузганлиги учун 293 шахс жами 278000 сўм миқдорида маъмурий жавобгарликка тортилди. Шу баробарида давлат уйларига қарашли 6151 хонадон, фуқароларга қарашли 4038 та шахсий хонадон текширилиб, уй эгалари билан суҳбатлар ўтказдик.

Хуллас, қилаётган барча ишларимиз халқимизни ёнғин балосидан асрашдир. Шуни алоҳида айтишимиз керакки, агарда ёнғин содир бўлса, ўзингизни йўқотмасдан, тезда телефон орқали «01»га қўнғироқ қилиб, аниқ адресни ва нима ёнаётгани ҳақида хабар беришни унутманг.

*Фахриддин ХОДИЕВ,*
*Бектемир тумани ёнғиндан сақлаш қисм бошлиғи.*

*Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги*

# ЧОРРАҲА



## ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

***Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси ходимлари, Миробод туман ҳокимлиги, Миробод туман ДАНи, корхона, ташкилот, маҳалла фаоллари, туман халқ таълими бўлими, туман прокуратураси билан ҳамкорликда ҳокимликда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.***

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси ташвиқот ва тарғибот бўлимининг бошлиғи А. Эрназаров ўтган 15 кунликда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиб, кўплаб фуқароларимиз ҳаракатланиш қоидаларига амал қилмасликлари оқибатларида йўл-транспорт ҳодисалари сони юқориligича қолаётганлигини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг Миробод туман ДАН ходими И. Полвонов ва Миробод тумани ҳокимининг ўринбосари Р. Ҳамидов сўзга чиқиб, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш ҳар бир фуқаронинг иши эканлигини ва бу масала ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги тўғрисида маълумот беришди, туманда хавфсизликни таъминлашга бағишлаб амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишди.

Бундай самарали мулоқотларнинг ҳар бир туман, ҳар бир йирик автокорхоналарда ўтказилаётгани айниқса қувонарлидир.

Бинобарин, Ҳамза туманидаги 2-автобус саройида ташкил этилган тадбирда «Энг яхши ҳайдовчига» танловининг ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширилди, Собир Раҳимов туманидаги 127, Акмал Икромов туманидаги 18-автобус саройларида ҳам ана шундай фойдали мулоқотлар бўлиб ўтди.

Юнусобод тумани ҳокимлигида маҳалла фаоллари, халқ таълими бўлими, соғлиқни сақлаш хизмати ходимлари ва шаҳар ДАН бошқармаси бўлимлари бошлиқлари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилиш ҳам жуда қизиқарли кечди. Унда сўзга чиққан техник кузатув бўлими бошлиғи Р. Муҳаммаджонов, йўл кузатуви бўлими бошлиғининг ўринбосари С. Нуъмоновлар ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигининг муаммолари — йўллардаги автотўқнашувлар, йўлчироқ объектларининг иши, болалар ўртасида жароҳатланиш ва юқоридаги масалалар бўйича маҳалла қўмиталарининг фаолиятини таҳлил қилдилар.

Энг муҳими, жонли мулоқот давомида ҳамкорликда оғриқли масалаларни ҳал қилишга ҳаракат қилинмоқда.

***Тошкент шаҳрида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш мақсадида ўтказилаётган ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги фаол давом этмоқда.***

## НОҚОНУНИЙ МОЛЛАР УШЛАБ ҚОЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмол товарларининг алоҳида турларини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ экспорт қилиш тақиқланган товарлар ноқонуний операцияларининг олдини олиш мақсадида давлат божхона хизмати ва Ички ишлар вазирлиги тизимларига катта масъулият юкланган. Шуни айтиш керакки, «Бектемир» ДАН масканидан Ленинобод ва Ўш водийси, «Уч қаҳрамон» ДАН масканидан Чимкент вилояти ҳамда Қозоғистон Республикасининг Сариоғоч туманига йўл очилади. Шаҳар ДАН бошқармаси ходимлари ҳам ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигида бундай муҳим вазифага чуқур масъулият билан ёндошиб, салмоқли натижаларга эришмоқдалар.



*Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигида Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси ходимлари ўз хизмат вазифаларига янада сергаклик билан ёндошмоқдалар; пойтахт кўчаларида суратдаги каби қоидабузар йўловчиларни кўплаб учратишингиз мумкин.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



Айрим рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, пойтахт ДАНчиларининг бу борадаги фаолиятларининг натижаси яққол кўзга ташланади. Жумладан, ўтган январь ойининг ўзида товарлар катта туркумини қонунга хилоф равишда шаҳримиздан олиб чиқишга уриниш бўйича 37 та ҳолатда ДАН ходимлари саъй-ҳаракатлари билан бунга чек қўйилди. Натижада умумий қиймати 10 миллион сўмликка яқин 33 тоннага яқин озиқ-овқат ва хўжалик маҳсулотлари қоидабузарлар «чангалидан» олиниб юртимизда қолдирилди. Улар орасида 16 тонна ун, 1800 килограмм гўшт, 21 қути сигарета, 3 тонна ун, 2 қути кофе, 400 килограмм совун бор.

Февраль ойининг бошларида Бектемир туман ДАН масканида Қирғизистон Республикаси давлат рақамларига эга автобус текшириш учун тўхтатилди. Автобус муфассал текширилганида юклар учун мўлжалланган жойга усталик билан яшириб қўйилган қиймати 56 минг сўмлик 1200 дона хўжалик ва атир совунлари топилди. Ҳайдовчи, йўловчилар масалага ойдинлик киритиш мақсадида Бектемир туман ички ишлар бўлимига келтирилди.

Пойтахт ДАН бошқармаси ходимлари томонидан ушбу йўналишдаги ишлар кенг давом эттирилмоқда.

Ҳодиса

## ЎЗИМИЗ АЙБДОРМИЗ

***Шаҳримизда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигида кенг кўламда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида йўл-транспорт ҳодисалари, ҳар хил тарздаги қоидабузарликлар камаяётгани, «қайсар» ҳайдовчилар жиловланаётгани сир эмас.***

Бироқ шуниси ачинарлики, кўп ҳолатда вояга етмаган болалар рулга ўтириб тўқнашувлар содир қилишлари, автоуловни маст ҳолда бошқаришлари аянчли ҳодисаларни олиб келмоқда. Бунга кўп жиҳатдан ота-оналарнинг беparволиклари сабаб бўлаяпти, десак адашмаймиз.

Чунончи, шу йил 31 январь куни соат 16 дан 15 дақиқа ўтганида Қатортол кўчасидаги 15-уй ёнида «Тико» ва «ГАЗ-24» русумли автоуловларнинг қаттиқ тўқнашуви содир бўлди. Ҳодиса юз берган жойга зудлик билан етиб келган ДАН ходимлари тўқнашувнинг сабабини аниқлашди. Гап шундаки, «Тико» рулига «жасорат учун 100 грамм» отиб олиб ўтирган 1982 йилда туғилган, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган А. Мажидов Фарҳод кўчаси томон кетаётганида мастлиги туфайли машинани бошқара олмай қарама-қарши йўналишга чиқиб кетган ва «ГАЗ-24» машинаси билан тўқнашган. Қизиғи шундаки, «Тико» машинасида кетаётган барча йўловчилар ҳам маст ҳолатда бўлишган. Спиртли ичимлик ичиб рулга ўтириш жуда аянчли оқибатларга олиб келди — барча йўловчи ва ҳайдовчилар оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

Яккасарой туманида ҳам 22 январда шунга ўхшаш ҳодиса рўй берди. «Нексия» автомашинасини ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариб бораётган Т. Қодир об-ҳаво шароитларига аҳамият бермаган ҳолда (шу вақтда ёмғир ёғаётган эди) тезликни оширган ва йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузган ҳолда қарама-қарши йўналишга чиқиб кетган. Қоидабузарлик бу гал ҳам тўқнашувга олиб келди — «Нексия» рўпарадан келаётган «ВАЗ-21099» русумли автомашинага шиддат билан урилди. Натижада ҳар иккала машинага ҳам жиддий шикаст етиб, турли даражадаги тан жароҳатларини олган ҳайдовчи ва йўловчилар касалхонага ётқизилди.

Ҳар иккала ҳодиса юзасидан маъмурий далолатномалар, тўқнашувлар схемалари тузилиб, чора кўриш учун тергов идораларига топширилди. Биз қоидабузар ҳайдовчилар ва пиёдаларга яна бир карра хавфсизлик ўз қўлимизда эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

*Материалларни Дилшод ИСРОИЛОВ тайёрлади.*

Шифокор огоҳлантиради

# ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

***Бугунги кунда грипп хасталиги аҳоли ўртасида бирмунча тарқаб қолди. Одатда бундай эпидемия вақтида одамларнинг ўртача 60 фоизи у билан касалланади. Эпидемия йўқ вақтида эса ўткир респиратори вирус инфекцияси касаллигининг 5-15 фоизи гриппга тўғри келади.***

Грипп барчага баробар юқиши мумкин, лекин 6 ойгача бўлган болаларда онасидан олган иммунитети туфайли касалланиш кам учрайди. Бунда дезинфекцияловчи моддалар хусусан хлорамин, хлорли оҳак, фенол 5-10 экспозициядан фойдаланиш лозим. Касаллик ўткир бошланиб, яширин даври бир неча соатдан 2 кунгача давом этади. Тана ҳарорати 40 даражагача кўтарилиб, титраш пайдо бўлади, бош, кўзларида оғриқ пайдо бўлиб, киши ёруғликка қарай олмайди, ҳолсизланади, бадани қақшайди, бўғим ва мушаклари оғрийди. Баъзи ҳолларда кўнгли айниб, қусиши мумкин, болаларда ичи бузилиши учраб туради.

Касаллик авж олиб, беморда томоқ қичишиш, ачишиш пайдо бўлади, ҳид ва таъм билиш хусусияти пасаяди. Бемор аксиради, кўзларидан ёш оқади, кўкрак қафаси оғриб, қуруқ йўталади. Учинчи кундан бошлаб йўталганда балғам куса бошлайди. Агар ўз вақтида даволанмаса грипп асоратлари зотилжам, пиелонефрит, сероз менингитлари, бурун қонаши, отит кабиларга олиб келиши мумкин.

Бундай пайтда бемор албатта ётиш тартибига риоя қилиши керак, илиқ ҳолатда кўп суюқлик ичиш (иссиқ сут, маъданли сувлар, компотлар) тавсия қилинади. Беморнинг аҳволи оғир бўлмаса ётиш ва парҳез кифоя қилади. Касаллик оғир кечса этиотроп ремантадин дориси берилади. Бунда биринчи кун 200 мг. дан 3 маҳал, иккинчи ва учинчи куни 50 мг. дан уч маҳал дори ичиш зарур бўлади. Ремантадин вируснинг кўпайишини тўхтатади. Амиксин таблеткаси шифокор назоратида берилади.

Беморни ўз вақтида аниқлаб, бошқалардан ажратилади. Касаллик оғир кечганида шифохонага ётқизилади. У ётган хона тез-тез шамоллатилиб, хўл латта билан артиб турилиши шарт. Бемор идиш-товоқлари қайнатиб турилади. Эпидемия вақтида поликлиника, касалхона, болалар муассасалари ходимлари, савдо ва маиший хизмат ходимлари оғиз ва бурунни беркитиб турувчи 4 қават докадан тайёрланган ниқоблар тақишлари шарт.

*Дилором ДЎСТМУҲАМЕДОВА, шифокор.*

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.**
**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-094. Босмага топшириш вақти 11.30 123456